

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 33М:658(575.1)

МАТКАРИМОВ ФАРХОД РАХИМБЕРГАНОВИЧ

МАВЗУ: КОМПАНИЯНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ
СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ
(“Ўзтўкимачиликсаноат” уюшмаси материаллари асосида)

5A230201 - “Менежмент” (реал сектор)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
катта ўқитувчи А.А. Мухитдинов

Тошкент – 2018

Магистрлик диссертациясида компаниянинг ташқи иқтисодий фаолиятстратегиясини шакллантириш омиллари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасида тадқиқот объекти бўлган “Ўзтўкимачиликсаноат” уюшмасида иқтисодиётни модернизциялаш шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг стратегик муаммоларини ўрганиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this master's dissertation He scientific, theoretical and methodical foundations of implementing the innovations on production during modernization of the economy has been studied. Scientific and practical recommendations on improving the effectiveness and implementing the innovations on production during modernization the economy the research object “Uzbekto'qimashisanoat” SC have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

10 - сонли баённома «29» май 2021 й.

Кафедра мудири Ўлдошев (и.ш.ф.) [имзо] имзо сана

Илмий раҳбар: А.А. Луцкинский (илмий раҳбар и.ш.ф.) [имзо] имзо сана

Такризчи: Нурова Д.Т. (такризчи и.ш.ф.) [имзо] имзо сана

Магистрант: Маткаримов СР (магистрант и.ш.ф.) [имзо] имзо сана

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I боб. Компаниянинг ташқи иқтисодий фаолият стратегиясини шакллантиришнинг назарий асослари.....	8
1.1. Иқтисодиётни ривожлантиришда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўрни....	8
1.2.Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг аҳамияти ва стратегиясини шакллантириш омиллари.....	16
1.3. Ташқи иқтисодий фаолият шакллари ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш.....	21
I боб бўйича хулоса.....	27
II боб. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг ташқи иқтисодий фаолияти тахлили.....	28
2.1.“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати.....	28
2.2.“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.....	34
2.2. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг экспорт салоҳияти тахлили.....	42
II боб бўйича хулоса.....	51
III боб.“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг ташқи иқтисодий фаолият стратегиясини такомиллаштириш.....	52
3.1. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг дунё бозорларига чиқишни таъминлаш шартлари.....	52
3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг хорижий тажрибаси.....	56
III боб бўйича хулосалар.....	70
Хулоса ва таклифлар.....	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	77

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш иқтисодий ҳаракатда асосий йўналишлардан бири сифатида олинади. Негаки ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ва жаҳон бозорининг актив иштирокчисига айланиш корхоналар фаолиятининг муҳим ва самарали йўналишиларида бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашга давлат дастурини тузиб чиқишда ва бу борада иқтисодий ва ҳуқуқий негизларни белгилашга муҳим аҳамият қаратилади.

Мамалакатни иқтисодий ижтимоий ривожлантиришни ташқи иқтисодий фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида фаолиятнинг турли соҳаларида хориж билан олақада ва ҳамкорлик бўлишни, маҳсулот иш ва хизматлар бўйича жаҳон бозори аренасига чиқиш ва унда муҳим ўрин эгаллашнинг имкон шартларини белгилаб олишни ҳам талаб этади. Ҳозирги кунда Республикамизда хориж билан иқтисодий алоқаларнинг ривожини ва истиқболини ижобий баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “Ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришдик.

2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўлхаритаси” ишлаб чиқилди ва